

*Зуёвуддин Нахшабий,
Ҳайдар-Бахи Ҳайдарий*

ШУШУНОМА

Қадимий ҳинд афсона ва ривоятлари асосида
етти юз йил аввал яратилган адабий обида



**Зиёвуддин Нахшабий
Ҳайдар Бахш Ҳайдарий**



ШУҶУҶНОМА



«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент—2015

УЎТ: 821/512/133-32
КБТ 84 (5 Ҳинд)
Н31

Таржимон:
Ҳошимжон МУРОДОВ
Шеърлар таржимони ва масъул муҳаррир:
Муҳиддин ОМОН

Нахшабий, Зиёвуддин

Н31 Тўтинома: ривоят / Э. Нахшабий. — Тошкент:
«Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Давлат илмий
нашриёти, 2015. — 184 + 8 (вкл.) б.


ISBN 978-9943-07-390-6

Ҳинд мумтоз адабиётининг энг нодир намуналаридан бири бўл-
миш насрий-шеърый дидактик характердаги мазкур асар илк бор
1320 йилда дунё юзини кўрган. Етти юз йил аввал ёзилган бу ноёб
адабий обида асли Қарши воҳасида туғилиб камолга етган ва тақдир
тақозоси билан умрини Ҳиндистонда ўтказган юртдошимиз, файла-
суф ва етук табиб Зиёвуддин Нахшабийнинг ақл-заковати ва қалб
қўри маҳсулидир. Асарнинг бош ғояси вафо ва садоқат, ҳаё ва ан-
диша, адолат ва ҳалоллик, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш ва
олижаноблик бўлиб, тўтининг барча ҳикоя ва қиссалари шу ғояни
асослаш, исботлашга қаратилган.

УЎТ: 821/512/133-32
КБТ 84 (5 Ҳинд)

ISBN 978-9943-07-390-6

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2015.
© Ўзбек тилига таржима, Ҳ. Мурадов, 2015.
© Шеърлар таржимаси, М. Омон, 2015.



Сўзбоши

«Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз Ўзбекистон нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда, — деб ёзади Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида. — Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди».

Адабий-тарбиявий обида ҳисобланмиш «Тўтинома»нинг ўзбек тилига таржимасини сиз, азизлар ҳукмига ҳавола этишдан аввал, мазкур асарнинг дунёга келиш тарихи ҳамда асли келиб чиқиши Ўзбекистон ҳудудидан бўлиб, Ҳиндистонда яшаб ижод қилган, ҳинд мумтоз адабиёти тараққиётига беназир ҳисса қўшган бир неча улуғ адиб ва мутафаккир зотлар ҳақида мухтасар маълумот беришни жоиз деб билдик.

Таъкидлаш жоизки, буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг инсоният тамаддуни равнақиға қўшган улкан ва бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритилганда, аввало, буюк шоир ва давлат арбоби — теурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан барпо этилган буюк бобурийлар давлати Ҳиндистон халқлари та-

рихи ва тараққиётининг барча жабҳаларида ўчмас из қолдиргани ҳақидаги эътирофлар тилга олинади.

Бобурийлар сулоласи томонидан ҳинд мумтоз адабиётига қўшилган беқийёс маънавий улуш ҳамда темурийларга хос бунёдкорлик билан барпо этилган беҳисоб меъморий обидалар ҳозирда ҳам нафақат ҳинд халқи, балки бутун жаҳон афкор оммаси томонидан ҳақли равишда муносиб қадр-қиммат, эътироф ва эъзоз топгани аждодаларимизга ва қолаверса, ўзбек халқига нисбатан чуқур ҳурмат-эътибор ифодасидир.

Туғилган жойи, насл-насаби муқаддас Ўзбекистон тупроғидан бўлган мутафаккир зотларнинг умумбашарий адабий-маънавий қадриятларни равнақ топтиришга қўшган мислсиз ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, албатта, аждодалари Қарши воҳасидан бўлган буюк шоир ва файласуф Абулҳасан Амир Хусрав Деҳлавийни тилга олиш зарур. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг Хусрав Деҳлавийга ҳинд сеҳргари дея юксак таъриф бериб, унинг ғазаларига назиралар битганлиги фикримизнинг ёрқин далили ҳисобланади.

Хусрав Деҳлавий 1253 йилда Ҳиндистон шимолидаги Патиёла шаҳрида, шаҳрисабзлик Амир Сайфулдин Муҳаммад оиласида дунёга келган. Асли лочин уруғидан бўлган бу хонадон тақдир тақозоси билан Ҳиндистонга кўчиб ўтиб, шу ерда турғун яшаб қолган. Деҳлавий қаламига мансуб «Хамса» асари ва беш девон: «Тўхфат ус-сиғар» («Ёшлиқ тўхфаси»), «Васат ул-ҳаёт» («Ҳаёт ўртаси»), «Ғуррат ул-камол» («Камолотнинг ибтидоси»), «Боқият ун-ноқия» («Сараларнинг сараси»), «Ниҳоят ул-камол» («Камолот чўққиси»)га жамланган минглаб ғазал ва рубоийлар Шарқ адабиётининг кўрки, жаҳон адабиёти дурдоналари сирасига киради.

Деҳлавий ҳозирда ҳинд халқининг миллий чолғу асбоби ҳисобланган ситорни яратган ва ҳинд қўшиқчилик санъатида қаввали¹ йўналишига асос солган санъат арбоби ҳисобланади. Деҳлавий 1325 йилнинг сентябрь ойида вафот этган ва устози, асли келиб

¹ Қаввали — суфий йўналишидаги шеърларни қўшиқ қилиб ижро этиш.

чиқиши бухоролик бўлиб, ҳинд мусулмонлари томонидан эъзозланган суфий аллома Ҳазрат Низомиддин Авлиё ёнига дафн этилган. Деҳлавийнинг миллионлаб мухлислари ҳар йили 27 сентябрь куни уч кун давомида унинг қабрини зиёрат этиб, қаввалихонлик қилишади.

Орадан қарийб етти аср ўтган бўлса-да, Деҳлавийнинг асарлари бутун дунё адабиёт ихлосмандлари томонидан ҳамон севиб ўқилмоқда. Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жаҳоҳарлаъл Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида Амир Хусрав Деҳлавийнинг бебаҳо ижодий меросини алоҳида ҳурмат билан тилга олиб, шундай ёзади: «Илк мусулмонлар томонидан ҳинд тилида кўп ажойиб китоблар ёзилган. Бу хилдаги шоиру мусаннифлар орасида энг машҳури XIV асрда яшаган Амир Хусрав Деҳлавийдир. Фавқулодда истеъдод соҳиби бўлган шоир санскрит тилини мукамал эгаллаган ва ҳинд миллий мусиқа санъати ривожига беқиёс ҳисса қўшган табаррук зотдир. Деҳлавий ҳинд халқининг торли мусиқа асбоби — ситорни яратган деб ҳисобланади. Олти юз йил аввал шоир томонидан яратилган қўшиқлар, матнда бирорта ҳам сўз ўзгартирилмай, халқ томонидан ҳозирда ҳам севиб куйланиб келинаётганлиги унинг чинакам даҳо мутафаккир бўлганлигининг ёрқин далилидир».

Яна шундай табаррук зотлардан бири қиёси йўқ шоир, мутафаккир ва жамиятшунос олим, ўзига хос фалсафий қарашлар соҳиби бўлган инсон Мирзо Абдулқодир Бедилдир.

Асли Шаҳрисабзнинг барлос уруғидан бўлган шоирнинг ота-боболари XVII аср бошларида Ҳиндистонга кўчиб бориб, ўша ерда турғун яшаб қолишган. Бедил (1644—1720) Патна шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган. Кейинчалик Деҳлига кўчиб ўтиб, ўз адабий мактабини яратган. Шоирлар орасида Абулмаъоний (Маънолар отаси) деган ном билан машҳур бўлган. У ўзидан улкан адабий мерос қолдирган. Унинг «Куллиёт»ига киритилган асарларининг ўзи 130 минг мисра шеър ва 50 босма тобоқдан ортиқ насрни ташкил этади.

XIX асрнинг 70-йилларигача яшаб ижод қилган, ҳам Покистон, ҳам Ҳиндистон халқларининг фаҳри ҳисобланган буюк

аллома Мирзо Асадуллохон Ғолиб ўзининг беқиёс ижоди билан урду адабий тили нафосатини дунёга тарата олган ва ҳинд шеъриятининг мумтоз даврини яқунлаган монанди йўқ шоир ва файласуф бўлган. Унинг қонида ҳам ўзбек тупроғининг тафти бор, зеро, бу аллома шоир ҳам асли самарқандлик ва ўзбекнинг ойбек уруғидан бўлиб, ўз насл-насаби ҳақида ғурур билан шундай ёзади:

Десам, Ғолиб, ерим — пок хоки Турон,
Асл зотим билан бағрим фараҳманд.
Ўзим туркзодаю, наслим-да туркзод,
Буюклар қавми бирла асли пайванд.
Уруғ бўлмиш менга ойбеклар аслан,
Камолан ойга нисбат, балки ўн чанд.
Отам касбин десам, деҳқончиликдир,
Бобом бўлмиш заминдори Самарқанд.

(Э. Воҳидов таржимаси)

Агра шаҳрида туғилган Мирзо Ғолиб ота томонидан самарқандлик, она томонидан эса бухоролик бўлган. Бинобарин, уни нафақат ҳинд ва урду, балки ўзбек халқининг ҳам шоири дейишга ҳақлимиз.

Мирзо Ғолиб урду ва форс тилларида назм билан бирга насрда ҳам қалам тебратган. Унинг «Меҳри нимрўз», «Панжи оҳанг» каби асарлари урду адабиётининг ноёб дурдоналари ҳисобланади. Урдушунос олим ва мунаққид Абдурахмон Бижпурийнинг ёзишича: «Ҳиндистонда энг ўқимишли китоблар — бу муқаддас «Веда» ва Мирзо Ғолибнинг девони ҳисобланади». Шунинг назарда тутиб, Мирзо Ғолибга замондош бўлган машҳур шоир Найяр шундай ёзган эди: «Ҳиндистонда форс шеърияти лочин уруғидан бўлган туркдан бошланиб, ойбек уруғидан бўлган туркда ниҳоясига етди».

Мирза Ғолиб буюк бобурийлар сулоласининг сўнгги вакили — Ҳиндистон шоҳаншоҳи Баҳодиршоҳнинг хос маслаҳатчиси лавозимида хизмат қилган.

Ўз ҳаёти ва фаолияти билан нафақат ҳинд адабиёти тарихида, айни вақтда жаҳон мумтоз адабиёти саҳифаларида ҳам ўчмас из қолдирган буюк зотлардан яна бири, шубҳасиз, Зиёвуддин Нахшабийдир.

Ўзининг ёзишича, Нахшабий XIII асрнинг тўртинчи чорагида Нахшаб (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилиб, дастлабки таҳсилни шу муаззам заминда олиб, камолга етган. Кейинчалик муъжизалар маскани — афсонавий Ҳиндистон жаҳонгашта ёш Зиёвуддинни ўзига оҳанрабодек тортади. Натижада, у тилсимотлар калити бўлиш ҳинд фалсафаси, адабиёти, илмий меросини ўрганиш, илмини бойитиш мақсадида ўша даврларда Ҳиндистоннинг йирик маданий-маърифий масканларидан бири бўлган Бадоун² шаҳрига келиб яшай бошлаган. Бу ерда у илму ирфон тили бўлган санскрит тилини, ҳинд адабиёти ва фалсафаси, табобат илмини чуқур ўрганган. Нахшабийга шахсан Амир Хусрав Деҳлавий устозлик қилган. Нахшабий 1350 йилда Бадоун шаҳрида вафот этган бўлиб, устози Деҳлавий қабри ёнига дафн этилган.

Зиёвуддин Нахшабийнинг форс, урду ва ҳинд тилларида яратган адабий-фалсафий ҳамда табобат илмига тегишли қатор асарларининг деярли барчаси бизнинг давримизгача қўлёзма сифатида етиб келган. Улардан бири 20 та ҳикояни ўзи ичига олган «Гулрез» достони бўлиб, мазкур насрий асарда туркий қавмга мансуб шахзоданинг мовий кўзли озар маликаси — афсонавий Нушобага бўлган муҳаббати ва унинг кечинмалари баён этилган. Тиббиёт фанига оид «Жузиёту куллиёт» («Тана ва унинг аъзолари») номли 40 бобдан иборат асарида муаллиф инсон танаси ва аъзоларининг хусусиятлари, одам касалликка чалинганда уни қандай даволаш усуллари батафсил баён этган. Нахшабийдан суфий таълимотига оид бир қатор нодир асарлар ҳам мерос қолган. Ҳозирги кунда ҳам унинг илмий-адабий мероси дунё олимлари томонидан ўрганиб келинмоқда. Тадқиқотчиларнинг

² Бадоун — Шимолий Ҳиндистоннинг Ганг дарёси бўйидаги шаҳар, Агра шаҳридан 175 км масофада жойлашган.

кўрсатишича, Нахшабий шеърий асарларининг аксарияти унинг Қарши воҳасида ўтган илк ёшлик даврларини қўмсаш кайфиятида ёзилган.

Нахшабий асарларининг энг машҳури форс тилида битилган «Тўтинома» бўлиб, бу мумтоз асар асрлар давомида мазмунан ва услубан соддалаштирилиб, замон руҳига мосланган ҳолда қатор қўшимча ва ўзгартиришлар билан дунё халқлари тилларига қайта ва қайта таржима қилиниб келган. Асарнинг дунёга келишига XII асрда санскрит тилида яратилган «Шукасаптати»³ («Тўтининг етмиш қиссаси») номли ҳикоялар тўплами асос бўлган.

Нахшабийнинг Шарқ ва Ғарбда жуда машҳур «Тўтинома»си қолипаш усули — воқеабанд асарларга хос композицион усулда, яъни ривоятни ҳикоя ичида ҳикоя тарзида бериш усулида қурилган мустақил асар ҳисобланиб, «Шукасаптати»дан унинг бош ғояси олинган, холос. «Тўтинома»даги қисса, ривоятлар ва улардаги қаҳрамонлар номи шахсан мулриф қаламига мансуб бўлиб, адиб юксак маҳорат билан ундаги воқеалар силсиласининг мантиқий ифодаси ва тасвир услубининг ўзига хослигини таъминлаш билан бирга, асарни беназир бадий асар даражасига кўтаришга муваффақ бўлган. «Тўтинома»ни аксарият ҳолларда «Минг бир кеча» асарига ҳам қиёс қилишади. Бу бежиз эмас албатта, сабаби Нахшабий ҳам «Тўтинома»даги қисса ва ривоятларни яратишда айнан ўша даврга тегишли халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенг истифода этган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, «Тўтинома» ҳам бадий, ҳам тарихий жиҳатдан ўта нодир асарлиги эътиборга олиниб, XV асрда илк бор темурийзода Мирзо Хусайн Бойқаро фармойишига мувофиқ Абу Саид Мирзо томонидан форс тилидан туркийга фавқулудда гўзал таржима қилинганлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. XVI асрда яна бир темурийзода — Бобурнинг набираси, Ҳиндистон ҳукмдори шоҳ Акбар бош

³ «Шукасаптати» — санскрит тилидаги «Жатаки» («Будда ҳақидаги қиссалар»), «Катхасаритсагара» («Қисса ва ривоятлар уммони») китобларидаги ҳикоя, ривоят ва афсоналари асосида яратилган асар.

вазири Абул Фазл Алломийга «Тўтинома»ни қайта ишлаб, хинд тилига таржима қилишни топширган. Абул Фазл Алломий бу ноёб дурдона асарга ўта ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, асар тилини анча содда ва равонлаштириб таржима қилади. Таржима шоҳ Акбарга бағишланганлиги туфайли, ўз даврининг илмий-адабий мерослари, яъни Ҳиндистон шоҳи Акбарнинг «Акбар қоидалари», Ҳумоюн ва шоҳ Акбарнинг хос маслаҳатчилари асарлари ҳақидаги қимматли маълумотлар билан бойитилган. Афсуски, Абул Фазлнинг ўзига хос талқинидаги «Тўтинома» бизгача етиб келмаган, у ҳақда ўрта аср қўлёзмаларида қисқача маълумот бериб ўтилган, холос.

Ҳозирда 1560—1565 йилларда мазкур таржима учун чизилган бадий миниатюраларнинг баъзилари эркин маълумот олиш ва тарқатиш мақсадида жаҳон интернет тармоғига жойлаштирилган. Интернет маълумотларига кўра, улардан бир нечтаси Кливленд (АҚШ) санъат музейида, копенгагенлик (Дания) қадимий атиқалар тўпловчисининг шахсий коллекциясида, шунингдек, Калькутта (Ҳиндистон) ва Лоҳур (Покистон) давлат музейларида энг ноёб санъат асари сифатида сақланиб келинмоқда.

Нахшабийнинг «Тўтинома»си XVII асрда Ҳиндистонда яшаб ижод қилган адиб Муҳаммад Қодирий томонидан ҳам қайта ишланган тарзда форс тилида китобот этилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Ҳозирда Нахшабий асарининг Ҳиндистонда энг машҳур варианты, шубҳасиз, 1801 йилда адиб ва таржимон Сайид Ҳайдар Бахш Ҳайдарий томонидан «Тота каҳани» («Тўтининг қиссалари») номи билан урду тилига⁴ қилинган таржимаси ҳисобланади. Асар 1803 йилда Калькутта шаҳрида нашр этилган.

Сайид Ҳайдарий таржимасидаги «Тўтининг қиссалари» асарининг китобхонлар орасида ниҳоятда машҳур бўлиб кетганлигининг асосий сабабларидан бири — бу албатта, урду тилининг

⁴ Урду тили — XI асрда Ҳиндистоннинг шимолий қисмида пайдо бўлган бўлиб, хинд-европа тиллари оиласига киради. Бобурийлар сулоласи даврида урду тили шеър ва назм тили даражасига кўтарилган.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning toʻliq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4095> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4095> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4095>